

Ishonch

2018-yil 3-fevral • shanba • № 15 (3988)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАХКАМЛАШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаолигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустахкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати **хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустахкамлаш ва соғломлаштиришнинг** самарали механизмларини яратишга тўққунлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далolat беради. Жумладан:

биринчидан, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизими мавжуд эмас, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан яққа тартибда иш олиб бориш амалиёти йўлга қўйилмаган, хотин-қизлар ўртасида бандликка кўмаклашиш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича фаолият самарасиз ташкил этилган;

иккинчидан, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий негизлари ва аъёнаний оилавий кадрларини мустахкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб борилмапти, эрта никоҳларнинг, оилалардаги низоли ҳолатлар ва

ажрашишларнинг олдини олиш бўйича чораларнинг самардорлиги паст даражада қолмоқда;

учинчидан, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги фаолият етарли даражада ташкил этилмаган, оналар касаллиги ва перинатал касалликлар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш бўйича самарали тизим, айниқса, чекка қишлоқ ҳудудларида мавжуд эмас;

тўртинчидан, хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўрилмапти, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга юридик маслаҳатлар бериш механизми замон талабларига жавоб бермапти;

бешинчидан, хотин-қизлар кўмиталарининг кенг қўламли вазибалари зарур ваколатларнинг йўқлиги ва ташкилий-штар бирликларнинг етишмаслиги шароитида хотин-қизларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида уларнинг куч ва имкониятларини тўлиқ сафарбар этиш имконини бермапти;

олтинчидан, Республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкилий бўйсунувишининг поёнчилиги ва зарур молиялаштириш манбаларининг мавжуд эмаслиги, оила муаммоларини ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасида амалий, илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш бўйича унга юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишига тўққунлик қилмоқда;

еттинчидан, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилани мустахкамлаш, низоли ҳолатлар ва ажрашишларнинг олдини олиш соҳасида

кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича ишлар ташкил этилмаган.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустахкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни инобатга олган ҳолда:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

биринчидан, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаолигини ошириш;

иккинчидан, хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйқатларини тузиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

учинчидан, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шартларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

2

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш — аҳоли саломатлигини сақлашнинг муҳим омили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2 феврал куни экологик ҳолатни яхшилаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни таҳлил этиш, энг долзарб вазифаларни белгилаб олишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 апрелдаги фармонида мувофиқ, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси қайта ташкил этилиб, унинг зиммасига экологик ҳолатни яхшилаш, манший чиқиндиларни йиғиш, саклаш, ташиш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш борасида қўллаб-қувватлаш қўйилди.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда манший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни тубдан яхшилаш юзасидан комплекс дастур қабул қилиниб, молиялаштириш манбалари аниқ белгилаб берилди.

Тизимда 13 та «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхонаси ва уларнинг 174 та туман (шаҳар) филиали ташкил этилди. Ушбу унитар корхоналар балансида 1 минг 300 та махсус техника, 1 мингта чикинди тўплаш майдончаси, 5 минг 800 та контейнер ва 172 та полигон ўтказилди.

Ўтган йили қўшимча 305 та чикинди тўплаш майдончаси қурилиб, 2 мингдан зиёд контейнер билан жихозланди. Республика бўйича жами 295 та полигон тўлиқ хатловдан ўтказилиб, уларнинг қадатри тузилди, 97 та чикинди полигони тартибга келтирилди. Кўмига қошида манший чиқиндилар билан боғлиқ масалаларни назорат қилиш инспекцияси ташкил этилди.

Бирок, бу соҳада ҳали ўз ечимини қутаётган масалалар ва қилинадиган ишлар жуда кўп. Масалан, юртимизда 53 фойз аҳолига санитар-тозалаш хизмати кўрсатилмади, холос. Шундан атиги 15 фойзи хусусий сектор ҳиссага тўғри келади. Деярли барча қишлоқларда манший чиқиндиларни йиғиш, саклаш ва ташиш умуман йўлга қўйилмаган.

Йиғилишда шу каби камчилик ва муаммолар танқидий таҳлил қилиниб, тизим олдидаги долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасига тегишли вазирликлар билан биргаликда шаҳарларда чикинди

йиғиш шохобчаларини тартибга солиш, қишлоқ аҳоли пунктларида санитар-тозалаш хизматларини ривожлантириш бўйича 5 йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ушбу дастурда кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли сонидан келиб чиқиб, чикинди йиғиш майдончаларини намунавий лойиҳалар асосида оптимал ташкил этиш, чикинди ташиш маҳсулоти техникалари харидини қўлайлаштириб, қишлоқ аҳолисини санитар-тозалаш хизматлари билан босқичма-босқич қамраб олиш, давлат-хусусий шериклик принципи асосида «Тоза ҳудуд» унитар корхоналари бююртмасига кўра соҳада тадбиркорлар иштирокни кенгайтириш чора-тадбирлари назарда тутилди.

Манший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳақида сўз борар экан, Президентимиз хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва кенг жорий этиш зарурлигини таъкидлади.

Германия, Белгия, Япония, Голландия, Швеция каби мамлакатларда 60-65 фойз манший чиқинди қайта ишланади, 20-25 фойзидан энергия олинади, қолган қисми ёқилади. Яъни чикиндини полигонларда кўмишга ҳам эҳтиж йўқ, деди Шавкат Мирзиёев. Бунинг натижасида ер ресурслари тежалди, иккинчидан самарата эришилади ва атроф-муҳитга салбий таъсир камаяди.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилда мамлакатимизнинг 9 та шаҳрида чикиндини йиғиш ва қайта ишлаш кластерларини ишга тушириш бўйича топширик берилди. Бу борада Сурхондарёда ташкил этилган кластер фаолияти намуна қилиб кўрсатилди.

Шунингдек, Фарғона водийси, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида амалга ошириладиган чикиндини қайта ишлаш лойиҳалари бўйича инвесторлар билан битимлар имзолаш, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш юзасидан «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Манший чиқиндиларни утилизация қилиш ишларини тизимли ташкил этиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Пластик,

полиэтилен ва бошқа қадоклаш материалларини тўплаш, утилизация қилиш ёки қайта ишлашга топширишда иштирок этаётган юридик ва жисмоний шахсларни рағбатлантириш механизмни жорий қилиш зарурлиги қайд этилди.

Атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш соҳасида давлат назоратини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Масалан, Андижон, Ангрэн, Бухоро, Навоий, Фарғона, Олмалик, Бекobod, Чирчик, Тошкент ва Нукус каби саноатлашган шаҳарларда ҳавонинг чанг билан ифлосланиш даражаси санитар метрлардан ўрта ҳисобда 2,7 баробар ортгани қузатилган.

Шу бонс, Экология давлат кўмитаси мутасаддиларига халқаро тажриба асосида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Миллий концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектиларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза этиладиган ҳудудларни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Масалан, ўтган йили ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза этиладиган ҳудудларни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Бу борадаги ишлар замирида одамларнинг соғлигини, турмуш фаровонлигини ётибди. Шу бонс, бу масала билан ҳар бир туманда ва доимий шугулланиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасаддиларга тегишли қўрсатмалар берилди.

ЎЗА

Қўшничилик — минг йилчилик

Термизда афғон ёшлари таҳсил олмоқда

Бундан уч ой илгари Остона шаҳрида Ислон ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида Ўзбекистон ва Афғонистон Ислон Республикаси давлат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган музокаралар чоғида Термиз туманида Афғонистон фуқароларини ўқитишга мўлжалланган ўқув марказини ташкил этиш режалаштирилганди. Келишув ижросини таъминлаш мақсадида «Янгиариқ» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи биноси қайта реконструкция қилинди.



Таълим маркази 750 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўқиб ва ўқитиш учун барча қулайликларга эга. Ўқув хоналари замонавий компютер ва мультимедия воситалари, синхрон таржима, кузатув ускуналари, юмшоқ ва қаттиқ мебеллар билан тўлиқ жиҳозланган.

Марказимизда олий таълимнинг 17 та, махсус касб-ҳунар таълимнинг 16 та йўналишида 97 нафар афғон ёшлари ўқитиляпти. Уларнинг барчаси ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўрганишни мақсад қилган. Яқин орада темир йўл ва электр муҳандислигига қизиққан яна 100 нафар ёшлар ўқув марказимизга қабул қилинади. Машгулотлар ўзбек ва дари

тилларда олиб борилади. Талабаларимизга Термиз давлат университети профессор-ўқитувчилари ҳамда Тошкент шаҳридаги нуфузли олийгоҳларнинг етакчи олимлари онлайн мулоқот орқали сабоқ беришади. Марказимизда электрон кутубхона тизими яратилган бўлиб, унинг базасида 700 дан ортиқ адабиёт жойлаштирилган. Талабалар республикамиздаги барча олий таълим муассасалари электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятига ҳам эга. 60 ўринли ахборот ресурс маркази, 100 ўринли ошхона, 110 ўринли талабалар турар-жойларида барча шарт-шароит мавжуд. — дейди таълим маркази директори Ойбек Рўзиев. — Марказимиз биттирувчиларига

қисқартirilган, икки йиллик таълим муддатида ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини берувчи тегишли ҳужжат топширилади.

— Ушбу таълим марказига йўлланма олиш учун Қобулда махсус имтиҳондан ўтдик. Бу ерда мени энг қувонтиргани, бу замонавий компютерлар, турли-туман адабиётлар билан бойитилган кутубхона бўлди, — дейди Самгон вилоятидан келган Асила Нойбозода. — Бу заминда ўзбек тили ва адабиёти йўналиши бўйича таҳсил олаётиман. Компютерда ишлашни ва инглиз тилини пухта ўрганаётиман. Насиб этса, олган билимларим юр-

тимга бориб, болаларга дарс беришда қўл келади, албатта.

— Қўшни юрт болаларига илм-зиё улашишдек эгу ишлар бошида турган ҳар икки давлатнинг раҳбарлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳаётимизда янги саҳифа очди. Термизда янги иш бошлаган ўқув маркази маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар янада ривожланишига бекидс ҳисса бўлиб қўшилишига ишонаман, — дейди Афғонистон Ислон Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Шаҳобиддин Темуррий.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» муҳбири

Келагимиз — ишончли қўлларда

Нигина БМТда олқишланди

Президентимиз томонидан ёшларга кўрсатиладиган гамҳўрликлар туфайли истеъдодли ўғил-қизлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Уларнинг иқтидорини рўйбга чиқаришда мунтазам ўтказиб келинаётган турли кўрик-танловлар, конференция, анжуманлар муҳим аҳамият касб этаётди.

Бухоро давлат университети филология факултети-

нинг 3-босқичида таҳсил олаётган Нигина Юлдашева ҳам билим ва иқтидорини намойиш этаётган ёшлардан. У Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ELS (educational services) томонидан ташкил этилган «Many Languages One World» — «Кўп тиллар бир одам» ишлар танловида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.

4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

41
тўртинчидан, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан яқин алоқадорликда бўлиб бориш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан овоз килинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашishi бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ва унинг ҳудудий бўлинулари раҳбарлари энг аввало:

жойларда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан яқин алоқадорликда бўлиб бориш ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш;

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, улар ўртасида оилавий ва ҳусусий тадбиркорликни, хунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалий чораларни амалга ошириш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини самарали ташкил этиш, шу жумладан, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва маънавий-ахлоқий кадрларини мустаҳкамлашга шахсан жавобгарлиқ.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига тегишли штат бирликларини туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмиталари тузилмасига ўтказган ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларини мустаҳкамлаш бўйича мутахассис (кейинги ўринларда — мутахассис деб юритилди) лавозимини жорий этиш бўйича тақлифни розилик берилсин.

Белгилансинки: мутахассис лавозими ҳар бир фуқаролар йиғинида 1 тадан, оилалар сони 2000 ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан жорий этилади;

мутахассис фуқаролар йиғини биносида жойлашди, лавозими бўйича фуқаролар йиғини кенгашининг таркибига кирди ва фуқаролар йиғини билан яқин ҳамкорликда ўз фаолиятини амалга оширади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан биргаликда 2018 йилнинг 1 апрелига қадар фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича ҳар бир маслаҳатчиси фаолиятини танқидий ўрганиб чиқсин ва натижалари бўйича янгидан киритилган мутахассис лавозимларига етарли билим даражасига, юксак маънавий ва ахлоқий фахриятларга эга бўлган, ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажара оладиган шахсларни тайинлаш чораларини кўрсин.

4. Қўйилдики: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, вилоят марказлари бўлган шаҳарлар, туманлар (шаҳарлар) хотин-қизлар кўмиталари ижро этувчи аппаратларининг намунавий тузилмалари 3, 4 ва 5-иловаларга мувофиқ;

Хотин-қизлар кўмиталари ижро этувчи аппаратлари ходимларининг чекланган сонига нисбатан тоифаланган вилоят марказлари бўлган шаҳарлар, туманлар (шаҳарлар) рўйхати 6-иловага мувофиқ маълумлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, моддий таъминоти, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш бўйича тегишлича вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси марказий аппарати ходимларига нисбатан, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудий давлат бошқаруви органлари ходимлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 9 январдаги ПҚ-2722-сон қарорининг 1-бандида белгиланган ҳар ойлик устамалар қўлланилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази (кейинги ўринларда «Оила» маркази деб юритилди) ва унинг ҳудудий бўлинулари

лари Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси қошидаги Республика «Оила» илмий-амалий маркази негизда ташкил этилсин ҳамда қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, «Соғлом оила — соғлом жамият» концептуал ғоясини ҳаётга таъбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сибастини олиб бориш, бу соҳада норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини, унинг фаровонлиги ва хотиржамлигини ошириш масалаларини комплекс ўрганишни ташкил этиш, мақсуд йўналишлар бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ва самарали таъбиқ этиш;

замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, шахслар муносабатлари, бой маданият тарихий мерос ва аънавий оилавий кадрларга муаммоларни бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш, улар асосида оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилавий ажрашилларнинг олдини олиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

умуминсоний ва миллий оилавий кадрларини, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш асосида замонавий намунавий оиланинг мезонларини белгилаш, шунингдек, замонавий оиланинг намунавий шаклини ҳамда «Оила жамият ва давлат ҳимоясида» конституциявий принципларни кенг тарғиб этиш ва жамиятга синдириш ишларини олиб бориш;

давлат органлари, хотин-қизлар кўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда нотинч ва муаммолар оилаларини аниқлаш ва уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий менталитетга зид бўлган турли ёт хавф-хатарларга қарши туриш мақсадида улар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш;

оила-ниҳох муносабатлари соҳасида амалиётни ўрганиш ва тажриба алмашиш борасида халқро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш.

7. Белгилансинки: «Оила» маркази директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

«Оила» маркази директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, моддий таъминоти, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш бўйича вазирга, директорнинг ўринбосарлари эса вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

«Оила» марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлинулари «Оила» марказига ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликларига ҳисобот беради;

«Оила» марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлинулари раҳбарлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Равис, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан «Оила» маркази директори билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

8. Белгилансинки, «Оила» маркази директори ва унинг ҳудудий бўлинулари раҳбарлари энг аввало:

оила институтини мустаҳкамлаш, жамиятга унинг замонавий намунавий шаклини синдириш бўйича сифатли тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳамда таъсирчан, илмий асосланган ва амалий тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга;

оилادا, айниқса, никоҳнинг илк даврларида эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва ажрашилларнинг олдини олиш бўйича қўриқлаётган чораларнинг натижалдорлигини;

нотинч ва муаммолар оилаларни ўз вақтида аниқлаш, ҳолатдаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш ва оилавий муносабатларни яхшилаш бўйича чоралар қўришга шахсан жавобгарлиқ.

9. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва «Оила» маркази билан боғлиқ бўлмаган йиғинларига ва бошқа тадбирларга жалб этиш тақсилансин.

Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари мақсуд талабини бузганлиги учун эғаллаб турган лавозимдан озод этишга чўлган шахсий жавобгарлиги тўғрисида қатъий оғохланрилсин.

10. Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар «Оила» марказига унинг сўровига қўра марказга юклатилган вазифалар билан боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар, статистик ва бошқа маълумотлар, таҳлилий материаллар,

хулосалар ва бошқа ахборотнинг тақдим этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг 2018 йил 1 апрелдан ФХДБ органларини уларнинг никоҳ муносабатларига оид ақтларни расмийлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажрашилларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган асосий фаолият йўналиши бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига бўй-сундириш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

ФХДБ органи фаолияти, «Оила» марказининг туман (шаҳар) бўлими ҳамда хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича бошқа тузилмалар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар кўмитаси раиси зиммасига юклатилсин.

12. «Оила» марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳузурида тиббиёт касб-ҳунар коллежлари негизида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилاداги низоли ҳолатларни ҳал қилишни ҳуқуқий ва психологик асосларни ўргатиш, ажрашилларнинг олдини олиш, шунингдек, оилاداги маънавий-ахлоқий кадрларини мустаҳкамлашга оид бошқа масалалар бўйича кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилсин.

Белгилансинки, махсус ўқув курсларида қайта тайёрлаш ва малакани ошириш «Оила» маркази томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, «Тадбиркор аёл» уюшмасининг Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, оғир ижтимоий аҳолга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш; хотин-қизларга оилавий ва ҳусусий тадбиркорлик, хунармандчиликни ташкил этишда, меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эғаллашда қўмаклашиш.

14. Белгилансинки, 2018 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Республика «Оила» маркази ва уларнинг ҳудудий бўлинулари бошқаруви аппарати ходимлари таркибига кирувчи пенсионерларга, уларнинг бу ташкилотлардаги фаолияти ягона бўлган тақрида, пенсиялари тўлиқ тўланади.

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва «Оила» марказининг оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктлари тузилмаларида ўсимир кизлар ва фертил ёшдаги аёллар учун «Аёллар маслаҳатхоналарини» ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маълумлансин ва қуйидагилар уларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

оилани режалаштириш, контрацепция усуллари, ҳомиладан сунъий равишда тузириш ва жинсий йўллар орқали юқадиган касалликларнинг олдини олиш бўйича, шу жумладан, аномал тарзда, маслаҳатлар бериш;

оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ акушер-гинекологик ва ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, оналик ва перинатал касалликларнинг ва ўлим ҳолатларининг олдини олиш соҳасида аҳолининг билими ва сангитари маданиятини оширишга алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иктидорли қизларга ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан иккун нафар талабдорларга берилади;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг Зулфия номидаги Давлат музофоти лауреатлари бўлган ўқувчилари бакалавриятга, бакалаврият талабалари эса олий таълим муассасалари магистратурасига тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синоварисиз давлат грантлари асосида қабул қилинади.

17. Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган «Мўътабар аёл» кўрак нишон таъсис этилсин.

16. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра: Зулфия номидаги Давлат музофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, сангит, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иктидорли қизларга ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан иккун нафар талабдорларга берилади;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг Зулфия номидаги Давлат музофоти лауреатлари бўлган ўқувчилари бакалавриятга, бакалаврият талабалари эса олий таълим муассасалари магистратурасига тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синоварисиз давлат грантлари асосида қабул қилинади.

17. Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган «Мўътабар аёл» кўрак нишон таъсис этилсин.

18. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларига Комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифати бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ой муддатда: «Оила» маркази ва унинг ҳудудий бўлинулари фаолиятини, уларнинг тузилмаларини тасдиқлаш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини, ҳар бир ҳодимнинг вазифалари ва жавобгарлиги аниқ белгиланишини назарда тутган ҳолда, ташкил этиш;

махсус ўқув курслари, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш;

туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмитасининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларини мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси фаолияти, унинг фаолияти самаралдорлигини баҳолаш мезонлари, шунингдек, «Мўътабар аёл» кўрак нишон тўғрисидаги низомиларни тасдиқлаш;

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўликсиз оилادا тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар учун қулай шароитларга эга арзон уйлари қуриш қўриқлаётган ҳудудий мағилли дастурларни, шунингдек, уйлари бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

б) уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш Концепцияси лойиҳасини киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Оила» маркази билан биргаликда бир ой муддатда:

нотинч ва ахтиржамад оилалардаги касаллиги, шу жумладан, репродуктив саломатлиги билан боғлиқ касаллиги бор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга манзилли тиббий ёрдам кўрсатиш;

Республика «Она ва бола скрининги» маркази ва Республика аҳоли репродуктив маркази ҳамда уларнинг бўлинулари фаолиятини биргаликда ўрганиш, шунингдек, уларнинг аҳолига қўрсатаётган хизматларини ривожлантиришга оид тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини тасдиқласин.

21. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Ҳусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш давлат кўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Оила» маркази, «Saoda» журнали ва «Оила ва жамият» газетаси таҳрирлятларини жойлаштириш учун бинолар ажратиш тўғрисида тақлиф киритсин.

22. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Оила» маркази билан биргаликда икки ой муддатда маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан «Оила» маркази ҳудудий бўлинулари билан барча шароитларга эга бўлган хизмат хоналари, зарур мебель ва жиҳозлар, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва Интернет тармоғи билан таъминласин.

23. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Фармонни амалга ошириш учун 2018 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет параметрларини доирасида зарур буюм бюджет маблағларини ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса ҳар йили ушбу маблағларни назарда тутсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434-сон Фармони 2018 йил 1 апрелдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

25. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Оила» маркази ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармондан келиб чиқиб, шу жумладан, ФХДБ органларининг туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсундирилиши муносабати билан адлия ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ваколат ва функцияларини чегаралашини назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

26. Мақсуд Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Т.Қамиллов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2018 йил 2 феврал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни туздан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига шарҳ

Ватанимиз таракқиётида, оила ва жамият ҳаётида хотин-қизлар муҳим ўрин ва максада эга. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил этидиган аёллар ижтимоий-маънавий, сийсий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳусусан, давлат бошқаруви ва вакиллик ортиларига, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, фермерлик, соғлиқни сақлаш, таълим, маърифат, маданият ва бошқа ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда.

Хозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 514 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар Қонуңчилик палатаси депутаты борлиги, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан эъдидини ҳамда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва сангит соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизини айнан аёллар ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сийсий фаолиятини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болалиқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бирок ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмини яратишга тўқсонлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мажбурдигини кўрсатмоқда.

Қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни туздан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мажбур камчилик ва муаммолар атрофида таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг жамият ҳаётдаги фаол-

лигини ошириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни туздан такомиллаштириш мақсадида кўмига фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинулари янгилашган тузилмалари тасдиқланди.

Фармон билан 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига ҳар бир фуқаролар йиғинида 1 тадан, оилалар сони 2000 ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларини мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди.

Оилавий кадрлар ва аънавий йўналишда фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш мақсадида «Оила» илмий-амалий маркази негизда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида алоҳида «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлинулари ташкил этилди. Оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини, замонавий намунавий оиланинг мезонларини белгилаш, оила-ниҳох муносабатлари соҳасида амалиётни ўрганиш ва тажриба алмашиш борасида халқро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш билан бир қаторда «Соғлом оила — соғлом жамият» концептуал ғояси ҳамда «Оила жамият ва давлат ҳимоясида» конституциявий принципларни кенг тарғиб этиш ва жамиятга синдириш «Оила» марказининг асосий вазифалари қаторини жой олиш.

Шу билан бирга, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Оила»

Излаган имкон топар

Томорқа шахсий — манфаати умумий

Самарқанд вилоятида 1089 та маҳаллада 518153 оила истиқомат қилади. Хонадонлар фаровонлиги, рўзгор ободлиги кўп жиҳатдан томорқадан қандай фойдаланишга ҳам боғлиқ.

Эътиборли жиҳати — томорқа ҳўжалигини ривожлантириш орқали нафақат оиласи, балки иқтисодий-иқтисодий ривожига ҳисса қўшаётган фуқароларнинг сафи тобора кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда томорқа ҳўжаликлари ихтиёрида 86285 гектар унумдор ерлар мавжуд. Муҳими, ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб бораётди. Бир парча ердан уч-тўрт мартаба ҳосил олаётган шахсий томорқа эгалари кўп. Аммо гуруч қурмакисиз бўлмаганидек, ихтиёридаги ер умрини беҳуда ўтказиб келаётганлар ҳам йўқ эмас.

Кузатувлар вилоят бўйича 140 та хонадон измида бўлган томорқаларда унумдорлик паст эканлигини кўрсатди. Кейинги йилларда томорқа эгалари

учун барча шарт-шароитлар яратилиб, иқтисодий жиҳатдан қийналган оилаларга кредит, уруғлик, минерал ўғит етказиб берилмоқда. Боз устига томорқа ҳўжалигини тубдан такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилинди. Бултур томорқа ерларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичи аввалги йилга нисбатан икки баробарга ошганлиги ҳам бежиз эмас. Иссиқхоналар сонини ўн баробарга кўпайди.

Бундай ижобий ўзгаришларни вилоятимизнинг энг чекка ҳудудларидан бўлиши Пахтачи тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Туманда ўтказилган семинар асоси томорқадан самарали фойдаланиб келаётган бир нечта хонадон кўздан ке-

чирилди. Айниқса, Жалиловлар хонадони тажрибаси кўпчиликка ибрат бўлди. Асли касби қурувчи бўлган Азим Жалилов ва унинг оиласи томорқага алоҳида меҳр

кўрсатиб келмоқда. Улар жорий йилда 5 сотихдан иборат иссиқхонадан 3 марта ҳосил олишга эришди. Хонадондаги 48 туп лимон ҳам рўзгорнинг бир томонини

кўтариб турибди. Бундан тўрт йил илгари 1 қути асалари уяси харид қилишганди. Парваршир яхши бўлганлиги боис асаларилар бугунги кунда 30 қутига етди. Хонадон томорқасидан келган даромад боис рўзгор тўқин.

Тумандаги Матёқуб Соҳибов, Мансур Исломов, Алишер Норкулов, Файрат Аслонов, Дониёр Бўронов оилаларининг рўзгорига ҳам ердан самарали фойдаланиш фойдаси киритган. Хуллас, томорқадан оқил-нона фойдаланиш кўшимча даромад манбаи эканлигини бугун ҳамма ҳис қилиб турибди.

Халқимизда «Ер боққанга боқадн», деган ибратли нақл бор. Зеро, қилинган меҳнат ҳеч қачон бесамар кетмайди.

Сўхроб РАФИҚОВ,
Самарқанд вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси



Хабарлар

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги «Turon eco cement group» масъулияти чекланган жамиятида замонавий технологиялар асосида кунига 350 тонна сифатли қурилиш маҳсулоти тайёрланади. Бу ерда 150 ишчи-ҳодимга самарали меҳнат қилиш ва дам олиш учун барча шароит яратилган.

ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА

Энг асосийси, зарур ҳолатдаги асосий қисми корхона тасарруфидаги конлардан олинди. Ўтган йил 7 миллиард 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилда бу кўрсаткични 10 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган.

Айни пайтда жамият томонидан 15 миллион долларлик кредит эвазига кунига 2 минг 500 тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга янги цехни қуриш ишлари бошланди. Бу қўшимча мингта иш ўрни яратиш ва маҳсулотни экспорт қилиш имконини беради.

БИТИРУВЧИЛАР ИШГА ЖОЙЛАШДИ...

Тиббиёт олий таълим муассасаларининг бакалаврият ҳамда клиник ординатура бўлими битирувчиларига тизимда илк мартаба мўддатдан илгари сертификатлар топширилиб, тиббиёт муассасаларида меҳнат фаолиятларини бошлашлари имконият яратилди.

Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалида тиббий профилактика иши йўналишининг 53 нафар бакалаврият ҳамда клиник ординатура бўлимининг 12 нафар битирувчиларига тегишли ихтисосликлар бўйича сертификатлар топширилди.

Битирувчиларга «Врач умумий гигиенисти, эпидемиолог» ихтисослиги бўйича бакалавр даражаси ҳамда «Эпидемиолог», «Меҳнат гигиенисти», «Патологик анатомия», «Коммунал гигиенисти» ихтисосликлари бўйича клиник ординатура сертификатлари берилди.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» муҳбири

Ошқора сўз

Инсон умрининг катта қисми меҳнат фаолияти билан кечади. Шу боис муҳофазаланган меҳнат ҳаёти зарурат ҳисобланади. Меҳнат муҳофазасини тўғри ташкил этиш қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан амалга оширилади. Корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи ходимлар меҳнатини муҳофазалаш, улар хавфсизлиги ва меҳнат қобилиятини сақлашда қасаба уюшма ташкилотларининг ўрни катта. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасида қасаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва ташкилотлар иш берувчилари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари устидан жамоат назоратини олиб бориши мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳаёт билан ҳазиллашиб бўлмайди

Сирдарё вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида йирик бошланғич ташкилотлари, туман ва шаҳар тармок кенгашлири томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги вазифаларни муҳофама қилиш мақсадида мажлис бўлиб ўтди. Тахлил ва танқид руҳида ўтган тадбирда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Таъкидланганидек, ўтган йили вилоят қасаба уюшма ташкилотлари хизмат доирасидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда жами 14 та (шундан 2 та оқибати ўлим, 1 та оқибати енгил, 10 та оқибати оғир ва 1 та гуруҳий) бахтсиз ҳодиса юз берди. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар сонини вилоятдаги жами ташкилотлар бўйича ҳисобга оладиган бўлсак, бу кўрсаткич деярли 40 тага етган.

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофазаси ва хавфсизлиги оид ҳозирда амалда бўлган 300 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таъминлангани йирик бошланғич ташкилотлар ва тармокларнинг туман ва шаҳар кенгашлиарида таълим асосида 8 та ташкилот фаолияти мисолида ўрганиб чиқилди.

Ўрганишда ходимлар учун яратилган меҳнат шароитлари, уларга меҳнат муҳофазаси йўналишларида йўл-йўриқлар берилиши, ўқитиш, билгимнинг синовдан ўтказилиши, дастлабки ва даврий тиббий кўрсаткишнинг ташкил этилиши, иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сўзга қилиниши, махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари билан бепул таъминланиши, ташкилотларда тузилган жамоат шартнома-

ларининг меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлимида белгиланган тадбирлар бажарилиши ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳолатини тахлил қилиш ишлари ҳамда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишига эътибор қаратилади.

Фаолиятни ўрганилган «Электрикшлюкқурилиш» АЖ 3-механизациялашган жамияти, Гулистон қурилиш касб-хунар коллежи, Марказий банк вилоят бош бошқармаси, Мирзаобод хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи, Мирзаобод туманидаги 1-умумтаълим мактаби, 6-музыка ва санъат мактаби ва 3-мактабга таълим муассасасида жамоат шартномалари тузилган ва меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлимига қонунийда белгиланган талаблар ижроси бўйича тегишли тадбирлар қиритилган. Меҳнатни муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қондалари йўналиши учун мўлжалланган иш режаларининг сифатли таъминлангани ҳолати «Электрикшлюкқурилиш» АЖ 3-механизациялашган жамияти, Гулистон қурилиш ва Мирзаобод хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежлари, Мирзаобод туманидаги 1-умумтаълим мактабида қузатилади.

Яна бир ҳолат. «Электрикшлюкқурилиш» АЖ 3-механизациялашган жамияти ва Мирзаобод хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар мавжуд бўлса-да, меҳнат муҳофазаси бўйича битим ишлаб чиқилмаган, жамият ходимлари эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўзга қилиш қондалари» талабларига мувофиқ бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан

мажбурий сўзга қилинмаганини нима билан изоҳлаш мумкин?

«Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисидаги қонуннинг 12-моддасига асосан Гулистон қурилиш касб-хунар коллежи ва Мирзаобод туманидаги 1-умумтаълим мактабида 50 нафардан ортиқ ходим меҳнат қилса-да, меҳнатни муҳофазаси қилиш хизмати ташкил қилинмаган. Шунингдек, ушбу ташкилотларда Меҳнат кодексининг 214-моддаси, «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисидаги қонуннинг 24-моддаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 12 июлдаги 200-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низомга риоя қилинмаган ҳолда тиббий кўриқдан ўтказилаётган ходимлар 50000 - 70000 сўмдан чикимдор бўлмоқда. Соҳага оид қонунчилик тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари етарли даражада эмас.

«Сирдарё йўллардан мунтазам фойдаланиш» унитар корхонасида юз берган ҳолат янада ачинади. Ўтган йил 19 апрел куни юз берган бахтсиз ҳодиса ҳақида ўз вақтида хабар берилмаган. Яқиниям, корхона йўл ишчиси Шухрат Хайитбоев билан юз берган бахтсиз ҳодиса вилоят қасаба уюшма ташкилотларини билан ҳамда Банглик бошқармаси мутахассислари кўрсатмалари бўйича кейинчалик белгиланган тартибда махсус текширилди ва жабрланувчининг оила аъзоларига белгиланган зарар пулларини сўзга қилиниши томонидан тўлаб берилишига эришилди.

Бундан меҳнат муҳофазасига оид қонунчилик ижроси тўлиқ йўлга қўйилмай, ушбу йўналишдаги ишларга барча туман (шаҳар) кенгашлиари раислари, тармоклар Республика кенгашлирининг вилоят бўйича масъул ташкилотчилари ҳам етарлича эътибор қаратмапти, деган хулосага келиш мумкин. Чунки, барча бўғиндаги қасаба уюшма ташкилотлари томонидан меҳнатни муҳофазаси қилиш қонда ва меъёрларини аниқлаш, камчиликларни бартараф этиш борасида иш берувчиларга ҳат, тақдирнома ва тақлифлар етарли даражада қиритилмапти.

Кўриниб турибдики, меҳнат муҳофазасида белгиланган вазифалар бажарилиши билан боғлиқ натижадорлик пастлиги, амалга оширилаётган ишлар, ҳужжатлар ва бошқа масалалар аксарият ҳолларда қонунга қарши кетаётгани қасаба уюшма ташкилотларининг меҳнатни муҳофазаси қилиш ва ўз аъзоларига хавфсиз меҳнат шароитлари яратишда оид фаолиятида қонун устуворлиги таъминланмаслигига олиб келмоқда.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» муҳбири

Мутахассис минбари

Жамоат шартномаси — муҳим ҳужжат

Маълумки, таълим ва маданият муассасаларидаги жамоат шартномалари уч йилга (2015 — 2017 йиллар учун) тузилган бўлиб, ушбу ҳужжатларнинг амал қилиш мўддати туганганлиги боис 2018 — 2020 йиллар учун янги жамоат шартномалари ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши талаб этилади.

Жамоат шартномаси — корхона ва ташкилотларда иш берувчи билан қасаба уюшмаси ўртасидаги меҳнат оид иқтисодий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжат ҳисобланади ва маълум ҳудудда қўйилади. Шундан сўнг ҳужжат экспертизадан ўтказилган ҳамада жамоатнинг умумий йиғилиши муҳофазасида сўнг имзоланади. Тайёр ҳужжат юқори қасаба уюшма органи томонидан тасдиқланган, норматив-мажбурий қучга қиради.

Жамоат шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқишда амалдаги қонунлар асосида жамоатнинг ички тартиб-қондалари, меҳнат жамоаси ҳамда қасаба уюшма аъзоларининг шарт-шароитлари ҳисобга олинishi шарт. Уни тузишда

ташкилот раҳбари ва бошланғич қасаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан махсус комиссия шакллантирилади, тақлифлар қўриб чиқилади, музокаралар олиб борилади ва буларнинг бари лойиҳа учун асос бўлиб қизилди. Шундан сўнг ҳужжат экспертизадан ўтказилган ҳамада жамоатнинг умумий йиғилиши муҳофазасида сўнг имзоланади. Тайёр ҳужжат юқори қасаба уюшма органи томонидан тасдиқланган, норматив-мажбурий қучга қиради.

Жамоат шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқишда меҳнат жамоаси томонидан тасдиқланган тартиб-қондаларининг, тенг ҳуқуқлилиги, унинг мазмунини ташкил этишни масалаларни таянлаш ва муҳофама эркинлиги,

мажбурий олишнинг ихтиёрийлиги, мажбурийларнинг ҳақиқатдан бажарилишини таъминлаш, текшириб боришнинг мунтазамлиги ва жавобгарлигининг муқаррарлиги шак-шубҳасиз илтибот олинади. Шунингдек, уни тузишда Меҳнат кодексининг 4-бобидаги 29-46-моддаларига амал қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилда тасдиқланган янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги қонуннинг барча моддалари, айниқса, 18-моддаси асосида меҳнат шартномалари ноқулай ишларда банд бўлган ходимларни сўт, даволаш-профилактика, озик-овқат, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш учун маблағ ажратиш зарур ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўзга қилиш тўғрисидаги қарори асосида ҳужжат алоҳида эътибор билан ишланиши, аъзолар манфаатлари ҳисобга олинishi даркор.

Меҳнат кодексининг 177-моддасида иш берувчининг бурчлари аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонуний ва бошқа меъёрий ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, ишлаб чиқариш илтизомини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси қондаларига риоя этилиши, ходимларнинг ишлаш шароитини яхшилаб бориши шарт. Муҳими, ушбу кодексга мувофиқ, жамоат шартномаларининг тузилиши шартлиги белгилаб қўйилганлигидир.

Иш берувчи жамоат шартномасини тузишдан бош торган тақдирда у меҳнат қондаларини бузган, деб ҳисобланиб, Маълумий жавобгарлиги тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорда жаримага тортилади.

Санданал РАҲМОНОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Жалақудқ туман кенгаши раиси

Меҳнат муҳофазаси

Орзулар ва фаолият туташганида: ХОДИМ МАНФААТИ ЮЗАГА ЧИҚАДИ

Ҳар қандай ишда инсон омили бирламчи бўлсагина, барака ва унум бўлади. Айтиш мумкинки, Чуст туман силга қарши кураш диспансери ходимлари яратилган шарт-шароитдан рози. Бу ерда хавфсизлик техникаси ва меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича ишлар туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда силга қарши кураш диспансерининг «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги Низоми асосида ташкил этилган.

Туман тиббиёт бирлашмаси, даволаш-профилактика муассасалари, кишлоқ оилавий поликлиникалари, кишлоқ врачлик пунктлари, қасаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда тузилган жамоат шартномасида иш берувчи мажбуриятлари, меҳнат илтизоми, меҳнатни муҳофазаси қилиш, қасаба уюшма қўмитаси мажбуриятлари, иш ва дам олиш вақти, меҳнат низоларини ҳал қилишга қаратилган қатор вазифалар белгиланган. Меҳнат муҳофазаси бўйича ходимларга шахсий ҳимоя ва гигиена воситаларини бепул олиш, зарарли ишда ишловчиларга қўшимча таълим ва пенсияга чиқишда илтиёз бериш бўйича келишувлар белгилаб олинган. Шунга кўра, 2017 йил давомида махсус кийим ва электр қурималарида хавфсиз иш бажариш учун ҳимоя воситаларга 12 000 000 сўм миқдорда маблағ сарфланди.

Корхонада ходимлар билан ишлаш Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимларнинг меҳнатни муҳофазаси қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун билан қайд қилинган «Ходимлар билан ишлаш қондалари»га асосан иш олиб борилади. Бу қондага асосан шифохона барча таркибий бўлинмаларида мунтазам равишда бош муҳандис томонидан тасдиқланган йиллик «Ходимлар билан ишлаш режаси» тузилган бўлиб, режа оғишмай бажариб келинмоқда. Юқорида қайд этилган «Ходимлар билан ишлаш қондалари»га асосан ҳар йили биланларни синаш комиссияси тайинланган. Шифохона, хизмат ва бўлим бошлиқлари, бош муҳандислари (муовинлари) ҳамда опе-

ратив (навбатчи) ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича бевосита иш бажариладиган ходимлардан хавфсиз иш бажариш ва биланларини ошириш мақсадида йилда бир марта марказий комиссияда биланлар синовдан ўтказилади.

Туман аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофазаси қилиш илмий маркази томонидан Чуст туман силга қарши курашнинг диспансерида 2017 йил 10 ноябрда шу марказ лозим бўлган К.Қосимов раҳбарлигида иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан шаходатлаш ўтказилди.

— Шунингдек, диспансер ходимлари ўртасида касб маҳорати мусобақаси ўтказилди, — дейди муассаса бошлиғи Ботирхон Ибрагимов. — Унда барча врачлар, ҳамширалар, меҳнат муҳофазаси вакиллари иштирок этди. Мақсад, электр қурималарида хавфсиз иш бажариш учун иш жойи тайёрлаш, сифатли иш бажариш, асосийси, бахтсиз ҳодиса ва жароҳатланишнинг олдини олишдир.

Силга қарши кураш диспансери номини эшитганда, одам алданечук тараққуллиниб қолади. Бирок бу масканда ҳаётга иштиёқсиз боқётган кўзларга тириклик масрурлиги, бахт томон қадам босиш учун далда, қалбга қувват улаштилади. Бу эзгуликлар ортда эса ходимларнинг жонқуярлиги, иш берувчининг шу мақсад йўлида бир ёқадан бош чиқариши, жамоат ташкилотининг фидойилиги мўжассам.

Одилжон ЖўРАБОВЕВ,
Наманган вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими етакчи мутахассиси

Ҳуқуқини билган янглишмайди

Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Қибрай туман кенгаши томонидан туман давлат санитария-эпидемиология назорати марказида ходимларнинг меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид семинар ўтказилди. Унда тармок қасаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнатни муҳофазаси қилиш масалалари бўйича бош мутахассиси З.Алиев ҳамда тармок қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси З.Отаҳўжаев маъруза қилиб, меҳнатни муҳофазаси қилиш, санитарийларга йўлланмаларни олиш тартиби ҳамда мавзуга доир бошқа масалалар юзасидан маълумот беришди.

Семинарда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ўз муҳбиримиз

Нигина БМТда олқишланди



41 — Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежини битирдим, — дейди Нигина. — Отамнинг қўллаб-қувватлаши натижасида чет тилларни ўрганиш ва хорижий мамлакатлар тили, маданияти, урф-одатларига қизиқишим ортди. Сўнг олий билимгоҳ талабаси бўлдим. Инглиз ва рус тилларини жуда яхши ўрганганман. Ҳозир испан тилини ўзлаштиришга киришдим.

Хорижий тилларга бўлган қизиқишим туфайли доимий равишда интернет сайтларида эълон қилинаётган халқаро танловларни кузатиб борардим. Халқаро «Many Languages One World» иншола танлови ўтказилаётгани ҳақида эшитиб, унда иштирок этишни истадим. Инглиз тили ва адабиёти йўналишида тахсил олаётганим сабабли, инглиз тилида эмас, бошқа тилда ишро этишим талаб этиларди. Рус тилида «Қўп тиллар — бир олам» мавзусида ишро этиб, танлов ташкилотчиларининг расмий сайтга юбордим. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та расмий тили бўлган инглиз, рус, француз, испан, хитой ва араб тилларининг ҳаётимиздаги ўрни, глобаллашув жараёнида кўп тилликнинг аҳамияти каби муаммолар ҳақида ўз қарашларимни ифодаладим.

Этган иншом грамматик, маъно ва сти-

листик жиҳатдан аъло баҳоланди. Мазкур халқаро иншола танловида дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатидан 6000 дан зиёд ёшлар қатнашди. Танловнинг кейинги босқичи «Онлайн интервью» деб номланди. Унда этган иншо муносиб баҳоланган иштирокчилар билан 15 дақиқалик танланган тилда БМТ ҳақида суҳбат бўлиб ўтди. Икки ҳафтадан сўнг электрон почтамага танловда ғолиб бўлганим ва тез орада АҚШда жойлашган БМТнинг бош қароргоҳига бориш учун йўл чiptалари узатилиши ҳақида хабар келди. Ўша пайтдаги ҳаяжоним ва хурсандчилигимни сўз билан ифода қила олмадим. Ота-онам, устозларим, кўрсатқичларим мени қутлашди.

6 та расмий тил бўйича халқаро танловнинг иккала босқичида ҳам муносиб иштирок этган 60 нафар талаба ғолиб деб эълон қилинди. Сафар мобайнида Бостондаги Northeastern университетига турли семинар машғулотида иштирок этдик. Бу мен каби 60 нафар талабага хошимизга кўра магистратура Бостондаги Northeastern университетидан давом эттириш имконини берди.

Ғолибларга АҚШнинг Нью-Йорк ва Бостон шаҳарларининг диққатга сазовор жойларига саёхат ва БМТнинг бош қароргоҳида Ёшлар форумида маъруза қилиш имкони тақдим

этилди. Жаҳон минбарига кўтарилишим билан вужудимни қаттиқ ҳаяжон қоплади. Чунки ушбу нуфузли минбарда мустақил давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ва Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев сўзга чиқиб, дунё жамоатчилиги эътиборини қозонишга эришганимни қўллади. Ўзбекистонлик талаба сифатида миллий либосда мазкур саҳнага чикдим.

Маърузамда мамлакатимизнинг ўтмиши, дунёга танилган машҳур намоёндаларимиз, мустақилликдан кейинги ютуқларимиз, юз бераётган ислохотларга тўхталдим. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган тендошларимга Ўзбекистонда биз, ёшларга яратиб берилаётган кенг имконият ва имтиёзлар, порлоқ келажагимиз сари босилаётган дадил одимлар тўғрисида сўзлаб бердим.

Нигинанинг орзулари бир олам. У келажда магистратурада ўқиниш давом эттириб, илмий иш билан шуғулланиш ниятида. Унга барча устозлари, айнакча, Зарногор Мажидова, Нилуфар Одинаева ҳамхўр.

— Талаба Нигина Юлдашева билан ҳақли



Изаатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» муҳбири, Нарғиза ҚУВОНЧЕВА, журналист

3 феврал — Тоғай Мурод таваллуд топган кун

Юлдузлар мангу ёнади

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод ҳаёти ва ижодига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Иброҳим Гафуров, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, шоир Мирзо Кенжабек, таржимон Евгений Абдуллаев ва бошқалар Тоғай Мурод ўз асарларида миллий каҳрамонлар, миллий дунёқараш, маънавият ва калитратларга доир долзарб мавзу-муаммоларни кўтариб чиқгани ҳақида сўз юритди.

Дарҳақиқат, унинг асарларидаги тасвирлар халқ оғзига ижоднинг энг яхши анъаналарига улашиб кетади, уларни янгича йўлда ривожлантиради.

— Тоғай Мурод кўз ўнгимизда ўз оригинал йўли ва услубига эга ижодкор бўлиб шаклланди, — дейди Иброҳим Гафуров. — У халқимизнинг қадимий урф-одатлари, расм-русумлари поэзия-

сини чиқишга уринди, илтифот, назокат, ўзаро ҳурмат ва шу асосда муҳаббатли бўлишга ундайдиган илгор томонларини очди.

Таъкидланганидек, халқимизнинг атоқли адаби Тоғай Мурод ўзига хос ижодий услуби, ўзлас асарлари билан миллий адабиётимиз ҳазинасига улкан хисса қўшган. Унинг «Юлдузлар мангу ёнади», «От кишнаган оқшом», «Ойдинда юрган одамлар», «Момо ер қўшини» каби китоблари миллий ва ўзига хослиги билан ўз ўқувчиларини топти. «Отмандан қолган далалар» романи учун 1994 йил ёзувчи Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофоти берилди.

Тоғай Мурод нафақат истеъдодли ёзувчи, балки, моҳир таржимон ҳам бўлган. У Жек Лондоннинг «Бойнинг қизи» драмаси, Эрнест Сетон-Томпсоннинг «Еввойи йўрга»

асарини ўзбек тилига ўнгирган.

Сўнгги йилларда адабнинг асарлари устида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, чет тилларига таржима қилинаётган. «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романи 2016 йили француз тилида чоп этилган бўлса, «От кишнаган оқшом» ва «Ойдинда юрган одамлар» китоблари жорий йилда Москвада рус тилида «Тарлан» номи билан чоп этилди.

Хотира кечасида Туркиянинг Отатурк университети профессори Хусайн Байдемир, Франциянинг Ле-Ман университети профессори Мишел Бушар, россиялик ёзувчи, шоир Вадим Муратханов сингари олим ва ижодкорларнинг Тоғай Мурод асарлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларидан иборат видеоролик намойиш қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари ижросида адабнинг «Ойдинда юрган одамлар» асари асосида сахналаштирилган кўриниш намойиш этилди.

А.УРОЗОВ,
ЎЗА муҳбири

Реклама

«Surxondaryo universal mulk savdo» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Х.Сулaimонов номидаги Республика Суд Энергетика маркази Сурахондар вилоят бўйи томонидан савдога чиқаришга, 2005 йилда и.ч. Ласетти русуми, 75/301 ОАА д.б. исоҳот автомашина согула кўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 25 570 312 сўм. Аукцион савдоси Термиз шаҳар, Бахт кўчаси 345-йи манзилда 2018 йилнинг 5 ва 6 март кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосига қатнашни истаганда бўлган талабдорлар «Surxondaryo universal mulk savdo» МЧЖ билан шартнома имзолаши расмийлаштирилади. ЧЗЖИ «Ханнобон»нинг х.р. 2020800040426628001, МФО-01001, ИНН-30172243 га сотилаётган муомула бошлангич баҳосининг 10% фонддан кам бўлмаган миқдорда заклад пуни тўлаган ҳолда арза бериб рўйхатдан ўтказилари шарт. Арзаларни қабул қилиш савдо бошлангичдан бир кун олдин ўтказилади. Мурожаат учун айланти. Термиз шаҳар, Бахт кўчаси 345-йи. Тел: 01-76-224-36-76.

Хабарнома
«Ishonch» газетасининг 2018 йил 23 январь 10-сонидан чоп этилган эълонда Сурахондар вилоят ДАКН томонидан савдога чиқаришга, Т.БАСИП Нексия русуми, 75937 ОАА д.б. автомашинанинг бошлангич баҳоси — 18 808 353 сўмга ўзгартирилганлиги хабар қилади. Acco ideal Price Consulting» МЧЖнинг 31.01.2018 йилдаги № 016-баҳоланган ҳисоботи.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

МЧЖ «Қўп тармоқли иқтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш қорқосани томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ ким ошди савдосига Тошкент шаҳар, Юнусов тумани, Магистратура кўчаси 9-йи манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Миллий Халқсизлик Хизматига қарашли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари ким ошди савдоларига қўйилмоқда:

№	Автомобил ном	Иш. чик. йили	Давлат рақами	Бошлангич баҳоси (сўм)	Савланаётган жойи МХХ
1	Тойота Камри	2006	01/303 TST	102 014 000	Тошкент
2	Нексия	2002	01/518 TST	20 313 000	Тошкент
3	Нексия	2003	10/061 TST	27 479 000	Тошкент
4	Нексия	2004	10/025 TST	27684 000	Тошкент
5	Нексия	2004	01/028 TST	27 684 000	Тошкент
6	Нексия	2006	01/029 TST	33 226 000	Тошкент
7	Нексия	2006	01/024 TST	33 226 000	Тошкент
8	Дамас	2004	01/054 TST	25 329 000	Тошкент
9	Уаз 3153	2000	01/634 BFA	25 809 000	Тошкент
10	Уаз 33036	2003	01/398 TST	24 900 000	Тошкент
11	Узотойол 80,12	1999	10/045 TST	47 514 000	Тошкент
12	Мидибус М 24,9	1999	10/057 TST	26 289 000	Тошкент
13	Мидибус М 24,9	2002	01/389 TST	30 200 000	Тошкент
14	Зил 433360	1998	01/514 BJA	28 629 000	Тошкент
15	Нексия	2002	50/036 TST	27 428 700	Наманган
16	Нексия	2003	25/015 TST	23 220 000	Жиззах
17	Нексия	2003	30/015 TST	24 680 000	Самарканд
18	Нексия	2004	30/034 TST	21 030 000	Самарканд
19	Нексия	2003	40/014 TST	25 391 940	Фаргона
20	Нексия	2003	60/062 TST	26 295 000	Андижон
21	Нексия	2003	70/018 TST	27 000 000	Карши
22	Нексия	2003	80/022 TST	26 192 180	Бухоро
23	Нексия	2003	90/016 TST	20 836 894	Ургенч
24	Нексия	2004	25/039 TST	23 042 000	Жиззах
25	Нексия	2004	25/034 TST	22 640 000	Жиззах
26	Нексия	2004	60/048 TST	28 085 000	Андижон
27	Мидибус 24,9	2003	25/038 TST	44 000 000	Жиззах
28	Нексия	2004	75/025 TST	34 390 000	Термез
29	Нексия	2006	20/050 TST	31 855 415	Гулистон
30	Нексия	2006	40/018 TST	22 193 330	Фаргона
31	Уаз 3962	2001	25/017 TST	13 730 000	Жиззах
32	Уаз 3152	2001	60/054 TST	13 300 000	Андижон
33	Нива Шевролет	2005	90/030 TST	27 271 512	Ургенч
34	Нива Шевролет	2005	95/014 TST	26 680 860	Нукус

Аукцион савдолари 2018 йилнинг 6, 13, 27 март ва 3, 10, 17, 24 апрел кунлари соат 11:00 ва Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Бериуни кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-қонда бўлиб ўтади. Мазкур автотранспорт воситалари 2018 йил 6 март кунги аукцион савдоларига сотилмай қолган тақдирда эълонда кўрсатилган кейинги белгиланган савдо кунларида ўтказилишини маълум қиламиз. Талабдорлар савдо ташкилотчисига савдога қатнашни учун юзга келадиган барча харажатларни ўз хисобидан амалга оширишлари шарт.

Ушбу савдоларда қатнашни учун талабдорлар мулк бошлангич баҳосининг 10% фонддан кам бўлмаган миқдорда заклад пуни хар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг хисоб рақамига 2020800090429477001, АТИБ «Ипотeka банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 302074183, ОКОНХ 83200 га тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларидан иштирок этиш учун талабдорлардан арза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказишдан бир кун олдин қилиниши шарт.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Бериуни кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, Веб сайт: ktias.uz

Хизматлар лицензияланган.

Ташаббус

Муҳтарам Президентимизнинг 2017 йил 12 январда қабул қилинган «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойишида «...аҳоли, айниқса, ёшлар орасида бадий жиҳатдан юксак интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талабни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

«Ёш китобхонлар» ижодий клуби

Бадий адабиётга ошно бўлган инсондан ёмонлик чиқмайди, дейди улугларимиз. Зеро, китоб орқали инсон ўзини кашф этади, ҳаётни англайди. Айни вақтда китоб мураккаб, чигал муаммоларни англаш ва ёчишга кўмаклашувчи устоз, чин дўст ва беёминат кўмакчидир.

Шунга кўра, биз «Ёш китобхонлар» ижодий клубини ташкил этиб, республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам ушбу клуб тармоқларини очилиш мақсад қилидик. Бунинг учун биз тахсил олаётган таълим муассасаси ёшлар иттифоқи бошқа олий таълим муассасалари ёшлар иттифоқига мурожаат этиб, ҳамкорликни йўлга қўйишимизга яқиндан ёрдам берди.

Хўш, қўзланган асосий мақсад нима?

Ҳозирги техника асрида яратилаётган ҳар бир кашфиёт бизнинг эҳтиёжларимизга қаратилган экан, биринчи навбатда, бадий адабиётларнинг электрон вариантларини яратиш зарур. Дейлик, кутубхонада, таълим масканида ёки уйда тириб китоб ўқиш учун вақт топа олмаётган пайтларда бадий адабиётларнинг электрон вариантларини мобил телефонимизга

юклаб тинглашимиз мумкин. Ёқимли овоз билан ўқилган бадий асар тендошларимиз диққатини, албатта, тортади деб ўйлайман. Клубимизнинг биринчи иши китобхонлар оmmas учун ўзбек мумтоз асарлари, жаҳон адабиёти дурдоналари, замонавий бадий адабиёт намуналарининг электрон вариантларини яратиш, кўпайтириш ва кутубхоналар, китоб дўконлари, диск сотиш билан шуғулланувчи дўконларга тарқатиш, шунингдек, интернет тармоғи орқали университетимиз электрон кутубхонасига жойлаштиришдан иборат. Натижада, адабиётларни мобил уяли алоқа телефонларига юклаб, тинглаш имкони пайдо бўлади. Бу эса айрим қизқарлик асарлар ўша китобнинг аслини сотиб олиб ўқишга ундаши ҳам мумкин.

Интернет тармоғида ижодий клубимизнинг ҳамкорлари билан ижодий мулоқотлар ташкил қилишимиз ҳам мумкин. Бунинг учун электрон почта орқали хат тарқатилади. Унда бирор ижодкорнинг ижодига, асарларининг мавзу қўлами, ғоявий-бадий жиҳатлари, характер яратиш маҳорати, тил хусусиятла-

рига эътибор қаратилиши, электрон мулоқотнинг ўтказилиш кун ва вақти эълон қилинади. Бу учрашувни ташкиллаштириш тегишли жойлардаги Ёшлар иттифоқи кенгашлари зиммасига юклатилса, ишнинг бориши анча осонлашади. Бу каби мулоқотларда ҳамфикрлик, бир-бирини тинглаш, бир-бирининг фикрини тўлдириб, аниқроғи, мулоқот маданиятини эгаллашга эътибор ҳам назарда тутилади. Мухими, мулоқот асоси талабаларнинг образли фикрлаш кўникмаси шакллантирилади, сўз бойлиги ошади, кўн ўзбек тилининг нафосатини, жиҳобини англаб боради.

Ижодий клубнинг амалга ошириш режалаштирилган кейинги вазифаларидан бири, бу таникли ёзувчи, драматург ҳамда шоирлар билан глобал тармок орқали видео мулоқот ўрнатиб бориш. Ижодкорнинг бирор асари ёзилди сабаби, асарларидаги образларга ўз муносабатини тинглаш хузури, албатта. Қолаверса, жонли мулоқотлар китобхонни ёзувчи асарларига янада яқинлаштиради.

Ижодкор ёшларни кашф этиш ижодий клубимиз режалаштирилган ана бир максaddir. Бунинг учун электрон почта орқали онлайн учрашувлар уюштирилади. Бунга бирор таникли ижодкорни ҳам таклиф этиш мумкин. Натижада, ижодкор ёшларнинг ижодий маҳорати аниқланади, ўзаро суҳбатлар уларни бир-бирларига яқинлаштиради.

Азалдан халқимиз китобга тарбия воситаси деб қараган. Шунинг учун ҳам китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш давлат сибёати даражасига кўтарилиди. Келинг, тендошлар, инсон тафаккурининг ўсишига, бойишига кўмак берувчи китобга ҳамдам бўлиб яшайлик. Зеро, дунёда китобдан яхши дўст бўлмас.

Умида ЮСУПОВА,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin RIXSIYEV

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'liq Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (*bosh muharrir o'rinbosari*), Akmal Toshhev

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalar hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Elektron nashr va AKT — 256-87-73

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftanang seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi. **Korxonaning manzili:** Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Tahririyat hisob raqami:
2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kod: 00959, STIR: 201133889, OKONX: 87100

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Transport, iyu va kapital kurilishi, kurilish inddustriyasi xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi jamoasi Surxondar viloyat birlashgan kasaba uyushmasi kumntasi xisobchisi Shavkat Bobomurodovga onasi

Tohshul RAZZOKOVning vafohti munosabati bilan hamdardlik bildiradi.

Samarqand viloyat kasaba uyushma tashkilotlari birlashmasi kengashi Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Pайrаkиr tuman kengashi xisobchisi Dипrаbо Худойбердиеvаga onasi

Muassar va МАХМУДОВАning vafohti munosabati bilan hamdardlik bildiradi.

Transport, iyu va kapital kurilishi, kurilish inddustriyasi xodimlari kasaba uyushmasi Samarqand viloyat tashkilotlari birlashgan kumntasi, Samarqand davlat arxitektura kurilish instituti xodimlar va talabalar kasaba uyushma kumntasi institut professori

Shakar AXADOVning vafohti munosabati bilan marxumning onla ayolaringa hamdardlik bildiradi.

Navbatchi muharrir:
U. Ibodinov
Navbatchi:
S. Abdurahmonov
Musahhih:
S. Shodiyeva
Sahifalovchi:
H. Abdullajlov

Bosishga topshirish vaqti — 23:50
Topshirildi — 00:10
1 2 3 4 6
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
Buyurtma № — 209.
35402 nusxada bosiladi.
Nashr ko'rsatkichi: 133